

## ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАГРИЕНГЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12506430>

Аллохберган Аллоберганов

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти

Ўқитувчи

+998935105336

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар марказида, аввало, инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсади туради. Фуқаролар манфаатларини фақатгина тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини яратиш орқали таъминлаш мумкин.

Ўзбекистонда аҳолининг кўп миллатли бўлишига ижтимоий-иктисодий ривожланишининг қулай омили сифатида қаралмоқда. Ижтимоий ва иктисодий барқарорликни сақлаш, динлараро ва миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш ҳисобига халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрўси ошиб бормоқда.<sup>107</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур ташаббуси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо 193 та давлат томонидан кенг кўллаб-қувватланди ва 2018 йил 12 декабрь куни "Маърифат ва диний бағриенглик" тўғрисидаги резолюция кабул килинди. Ушбу "Маърифат ва диний бағриенглик" резолюция дуне жамоатчилигини безовта қилаётган терроризм, экстремизм, зўравонлик, муросасизлик каби бугунги куннинг ўткир муаммоларига ечим сифатида илм-маърифат, ўзгаларга адолатли ва бағриенг ёндашув ҳамда тинчликтарвар сиёсатни тарғиб қилиши билан муҳим аҳамият касб этади. "Маърифат ва диний бағриенглик тўғрисидаги резолюция глобал таҳдидларга карши курашишининг самарали воситаси сифатида маърифат, таълим-тарбия масаласини илгари сургани билан, айниқса муҳимдир.

Жамият ҳаракатдаги жараён сифатида муайян мақсадларни қамраб оловчи стратегик йўналишга эга бирлик экан, у доимо тараққиётнинг оптималь моҳиятидан манфаатдор бўлган сиёсий етакчининг дикқат марказида бўлиб келган. Шу нуқтаи назардан Узбекистон Республикаси

<sup>107</sup> "Янги Ўзбекистон" газетаси №236 8.12.2020 й.

Президенти томонидан Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши миллий тараққиётни таъминлашда янгича босқич бўлди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: “Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуктартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун усуворлигини, инсон ҳуқук ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, ҳалқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рӯёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди”.<sup>108</sup> Мустақиллик ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, маънавий ҳаётдаги янгиланиш жараёнини, туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Динга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгарди: собиқ совет тизимининг динга атеистик ҳужумкорлик сиёсатига барҳам берилди, виждон эркинлиги қонун орқали кафолатланди.

Дин ва дунёвий давлат орасидаги муносабат ҳақида гап кетар экан, унинг асосида энг аввало диннинг давлатдан ажратилиши тамойили ётишини таъкидлаш зарур. Бу ҳақда Конституциямизнинг **61-моддасида** шундай дейилади: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди»<sup>109</sup>.

Мазкур моддада муҳим аҳамиятга эга қоидалар мустаҳкам қўйилган. Биринчидан, диний ташкилотлар қайси конфессияга тааллуқлилигидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқий майдонда фаолият олиб борадилар. Бугунги кунда республикамизда 15 та ноисломий конфессияга мансуб 186 та ташкилот эмин-эркин фаолият олиб бораётгани ҳам бунинг амалий ифодасидир. Иккинчидан, диний бирлашмалар фаолиятини ташкил этиш уларнинг ички иши ҳисобланади ва давлат назоратидан ҳолидир.

Шу билан бирга, диний ташкилотлар давлатдан ажратилган бўлса-да, бу диннинг жамиятдан ажратилганини англатмаслигини таъкидлаш зарур. Зеро, бирор динга эътиқод қилувчи фуқаролар ҳам жамиятнинг таркибий қисми ва шу сабабли дин фуқаролик жамиятида ўз мавқеига эга бўлади.

Дин ва жамият ҳаётидаги диалектик алоқадорликдан дин ва дунёвий давлат муносабатини белгилаб берувчи бошқа бир тамойил – дин соҳасида

<sup>108</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор уналиши буйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 47-сонли фармони

<sup>109</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 13.

кечаётган ўзгаришларни холис ва илмий ўрганиш, башорат қилиш, ва шундан келиб чиқиб, ижобий жараёнлар ривожига янада кенгроқ имконият яратиш, салбий ҳолатларнинг олдини олишдир.

Давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи яна бир тамойил шундан иборатки, давлат динни ҳалқ маънавиятининг узвий қисми сифатида тан олади. Шундан келиб чиқиб, унинг ривожи учун тегишли шарт-шароит яратишга ҳаракат қиласди.

Дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабатида диндорларнинг ҳуқуқий мақоми ва давлат томонидан ўтказилаётган тадбирларда диний конфессиялар ҳақидаги қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилишидек икки муҳим жиҳат ҳам бор.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу масалалар ўзечимини топган ва у дунёдаги ривожланган мамлакатлардаги ҳуқуқий-меъёрий талабларга тўла жавоб беради. Ҳар қандай динга эътиқод қилувчи ва ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиган кишилар учун бир хилдаги шартлар қўйилишини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **31-моддасида**, жумладан, шундай дейилади:

«Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди»<sup>110</sup>.

Давлатнинг динга муносабатидаги асосий хусусияти – бу диннинг сиёsatга аралашмаслиги. Зоро, ҳар қандай дин, биринчи ўринда маънавий-ахлоқий жиҳатни ўз ичига олади.

Ҳеч қайси дин ўзида ҳалқнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий жиҳатларининг барчасини қамраб олишга даъвогарлик қилмайди. Акс ҳолда у дин бўлмай қолади. Худди шу асосда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **57-моддасида диний-сиёсий партиялар тузиш тақиқланган**<sup>111</sup>.

Ўзбекистон давлатининг дунёвийлик, диний бағрикенглик, барча динларга бир хилда муносабат, жамият тараққиётида дин билан ҳамкорлик қилиш хусусиятлари ушбу тамойил асосида амалга оширилади. Чунки, конституциявий дунёвий-маърифий давлатда виждан эркинлиги қонуни диний эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, сиёсий хоҳишлигини билдиришда барча фуқароларнинг тенг иштироки тамойилига риоя қиласди.

<sup>110</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 8.

<sup>111</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 12.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Конун.

Ушбу қонун 1991 йилда қабул қилинган бўлиб, 1993 йилда киритилган баъзи қўшимча ва ўзгартиришлар билан 1998 йилга қадар амалда бўлиб келди.

1990-йилларнинг бошларида ҳукуматимиз томонидан берилган имкониятларнинг сусистеъмол қилиниши, масжид қуриш кампанияга айланиб кетиши оқибатида уларнинг сони 89 тадан 5000 тагача етди. Уларнинг аксарияти ҳужжатлари тўлик расмийлаштирилмаган, малакали имомлар билан таъминланмаган (95,8% диний маълумотсиз) ва зарур шароитлар бўлмаган ҳолда фаолият юргизиб, турли «пешво»лар масжидларни ўз уяларига айлантиришга ҳаракат қилдилар.

Баъзи диний ташкилотларнинг раҳбарлари хорижий фуқаролар бўлиб, аслида ҳеч қандай диний маълумотга эга бўлмай, молиявий ёрдам кўрсатиш ҳисобига республикамиз ҳудудидаги диний ташкилотларга раҳбарлик қилиб олиб, миссионерлик фаолияти билан шуғулланар эдилар. Уларнинг асосий мақсади турли йўллар ва усувлар билан билан ўз сафларини маҳаллий миллат вакиллари ҳисобига кенгайтиришдан иборат эди.

Давр талаблари асосида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Конунни тубдан ўзгартириш зарурати туғилди ва 1998 йил 1 майда у янги таҳрирда қабул қилинди.

**Киритилган ўзгартиришлар нималардан иборат эди?** Жумладан, Конуннинг **8-моддасига** асосан, диний ташкилотлар 18 ёшга тўлган ва республика ҳудудида доимий яшаётган 100 нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон фуқаролари ташаббуси билан тузилиши, муайян конфессияга қарашли диний ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўналтириб бориш учун уларнинг республика бўйича ягона марказий бошқарув органи тузилиши мумкинлиги ҳақидаги қоида мутаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, тегишли диний маълумотга эга бўлган Ўзбекистон фуқаролари диний ташкилотларнинг раҳбарлари этиб сайланишлари, бундай лавозимга хорижий фуқаролар номзодлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиб олиниши белгилаб қўйилди<sup>112</sup>. Инсоният тарихи турли миллат ва диний эътиқодга мансуб одамлар юз йиллар мобайнида бир оила каби иноқлиқда яшаганлари борасидаги мисолларни ҳам билади. Минг йиллар давомида турли туман дин, маданият ва турмиш тарзига эга бўлган халқларнинг биргалиқда яшashi

<sup>112</sup> Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Конуни. Т.: 1998. – Б. 8.

ҳамкорлиги маркази бўлган Ўзбекистон буни инкор этиб бўлмайдиган тасдиғидир. Қадим замонлардан бу ерда мусулмончилик, насронийлик, яхудолик, буддийлик ва башқа кўхна динлар нафақат бирга яшаган, балки бир-бирини тўлдирган, бойитган. Айнан шу заминда юз йиллар давомида дунё маданиятларининг катта миқёсдаги бир-бирини бойитиш жараёни рўй берган.

Ўзбекистон қўп миллатли давлат бўлиб, 136 миллат ва элат вакиллари истиқомат қилмоқда. Улар нафақат турли тилларда сўзлашади, балки турли динларга эътиқод қиласилар. Ҳозирда Республикада турли миллатлар ва элат вакилларининг диний урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларни сақлаб қолиши учун етарли шарт-шароит яратилган. “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари анъаналари хурмат килинишини таъминлайди, уларни ривожланиши учун шароит яратади”<sup>113</sup>.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. – Т.; 2002.
2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль. Т.: Адолат, 1992.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003
4. Ўзбекистон Республикасининг «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги (янги таҳрири)» Қонуни. – Т.; Адолат, 1998.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор уналиши буйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 47-сонли фармони.
6. “Янги Ўзбекистон” газетаси №236 8.12.2020 й.
7. Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик. – Т.; ТИУ. 1998.

<sup>113</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон. 1995. –Б. 5.